

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

НОРМУХАМЕДОВ САРДОР РИФАТОВИЧ

**СИНДИКАТЛАШГАН КРЕДИТЛАР ОРҚАЛИ ИНВЕСТИЦИОН
ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

08.00.07- Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

Тошкент – 2020

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. БАНК КРЕДИТИ СИНДИКАЦИЯСИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ ВА СИНДИКАТЛАШГАН КРЕДИТЛАШ АСОСИДА ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ	13
1.1. Синдициялаштирилган банк кредитининг назарий-услубий жиҳатлари	13
1.2. Синдициялаштирилган кредитлашни ташкил этиш хусусиятлари	27
1.3. Синдициялаштирилган кредитлаш рисклари: мазмуни, таснифи, баҳолаш усуллари	42
I боб бўйича хулосалар	56
II БОБ. ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА БАНКЛАР ТОМОНИДАН СИНДИКАТЛАШГАН КРЕДИТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АМАЛИЁТИ	61
2.1. Ўзбекистонда банклар томонидан синдикатлашган кредитларни ташкил этишнинг ҳуқуқий жиҳатлари ва жорий ҳолати таҳлили	61
2.2. Синдикатлашган кредитларнинг жаҳон ва минтакавий бозорлари ҳолати ва ундаги тенденциялар	72
2.3. Глобал пандемиянинг синдикатлашган кредитлар бозорига таъсири ва уни баҳолаш	83
II боб бўйича хулосалар	90
III-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА БАНКЛАР ТОМОНИДАН ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ СИНДИКАТЛАШГАН КРЕДИТЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ	94
3.1. Ўзбекистонда синдикатлашган кредитлаш амалиёти билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари	94
3.2. Синдикатлашган кредитлар бозорини ривожлантириш истикболлари	102
III боб бўйича хулосалар	111
ХУЛОСАЛАР	114
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	122

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Халқаро амалиётга кўра, синдикатлашган кредитлар йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг самарали ва энг кенг тарқалган усулига айланган бўлиб, миллий доирадан ташқарига чиқадиган иштирокчи банкларнинг ресурсларини бирлаштириш, кредит портфелини диверсификациялаш ва шу орқали кредит рискинни оқилона тақсимлаш имконини бермоқда.

Айни пайтда тижорат банклари миқозларининг молиявий ресурсларга бўлган талабларини тўлақонли қондириш мақсадида кредитлашнинг янги шакллари жорий этиш устида рақобатлашмоқдалар. Кредитлаш рискинни камайтириш эса бу ерда муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда, банклар фаолиятининг синдикатлаштирилган кредит каби шакли Ўзбекистонда амалга оширилаётган йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш жараёнларида жуда истикболлидир.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармонида мувофиқ мамлакатда иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг долзарб вазифаларидан бири сифатида модернизация, техник ва технологик янгиланишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш ва ҳаётга тадбиқ этиш белгиланган.

Ушбу вазифани замонавий корхоналар, ташкилотлар, муассасалар жамоалари, шунингдек кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга ошириш учун уларнинг инновацион фаолиятини молиялаштириш, янги ғоялар, ишлаб чиқариш технологиялари ва турли хил лойиҳаларни жорий этиш асосида турли хил лойиҳаларни амалга ошириш учун йирик инвестициялар ва кредитларни жалб қилиш талаб этилади.

Табиийки, бундай ҳолда республикада кредитларга бўлган эҳтиёж янада ортади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк маълумотларига кўра келгусида ҳам йирик ишлаб чиқариш учун кредитга бўлган эҳтиёж

камаймайди. Шу ўринда, синдикатлаштирилган кредит миллий банк тизимининг тўлов қобилиятига эга мижозларга қарз бериш қобилиятини бир неча бор оширишга имкон беради. Кичик ва ўрта ўриндаги банклар учун кўп тармоқли йирик банклар билан рақобатда ўз мижозларини сақлаб қолиш имконияти пайдо бўлиб, банк рисклари камаяди.

Шу билан бирга, шунини таъкидлаш керакки, республика банклари аллақачон йирик лойиҳаларга синдикатлашган кредитлашни ажратиш жараёнида иштирок этиш бўйича тажрибага эгалар (ТИФ “Миллий банки” АЖ, “Ипотека-банк” АТИБ, “Ҳамкорбанк” АТБ, “Давр банк” ХАТБ, “Ипак йўли” АИКБ, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ, “Трастбанк” ХАБ, “Агробанк” АТБ, “Асака” АТБ). Аммо, таҳлиллар шунини кўрсатдики, банк синдикатини ташкил этиш ва банк кредитини синдикациялашнинг назарий, меъёрий-ҳуқуқий ва услубий асослари етарлича ривожланмаган бўлиб, халқаро стандартлар талабларига тўла жавоб бермайди.

Республикада лойиҳаларни молиялаштиришни ривожлантириш учун синдикатлашган кредитлар муаммоларини ўрганиш, шунингдек банклар томонидан синдикатлаштирилган кредитларни жалб қилиш ва ташкил этиш механизмларини такомиллаштириш ишлари етарли эмас. Синдикатлашган кредитларни жалб қилиш механизмлари ва усуллари, уларни банклараро ташкил этиш ва қарз олувчиларга, хусусан кичик бизнес, хусусий корхоналар вакилларига тақдим этиш механизмлари ва усуллари бўйича иқтисодчиларнинг банк ходимлари учун назарий, меъёрий ва илмий-услубий ишланмалари (қоидалари, тавсиялари) мавжуд эмас.

Фикримизча, Ўзбекистондаги банкларнинг кредит бериш фаолиятининг иқтисодий назарияси ва методикаси учун банк кредитини лойиҳалашни молиялаштиришни синдикатлаштириш бу соҳадаги хорижий ва маҳаллий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, махсус ўрганишни талаб қиладиган илмий ва амалий аҳамиятга эга муаммо ҳисобланади. Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, замонавий шароитда ривожланаётган инновацион иқтисодиёт, синдикатлашган кредит асосида лойиҳаларни